

«ТАСДИКЛАЙМАН»

«Аммофос-Максам» АЖ

Ишлаб чиқариш бўйича

директор

Содиқов Б.Б.

«25» 07 2022й.



«Аммофос – Максам» АЖ  
корхонанинг бош трансформаторларида мукамал таъмирлаш, уларнинг  
электр қурилмаларида жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Олмалиқ шаҳри.  
2022 й.

**1. Кўрсатиладиган хизматлар ва уларнинг мақсади  
(мижознинг қандай хизматларни бажариши кераклиги ҳақида қисқача маълумот)**

Бош трансформаторларда мукамал таъмирлаш, уларнинг электр қурилмаларида жорий таъмирлаш ишларини бажариш

Амалдаги трансформаторларнинг турлари:

ТРНД-40000/110-76 У1. Номинал қуввати ВН - 40 000 кВА, НН – 2x20 000 кВА,  
чулғамларининг уланиш схемалари ва гуруҳи  $Y_0/\Delta/\Delta$ -11-11, номинал частотаси 50Гц. – 2 дона.  
ТРНД-32000/110-70 У1. Номинал қуввати ВН - 32 000 кВА, НН – 2x16 000 кВА,  
чулғамларининг уланиш схемалари ва гуруҳи  $Y_0/\Delta/\Delta$ -11-11, номинал частотаси 50Гц. – 2 дона.  
Ҳаво компрессорларининг тури: АBB5/2 босим  $-20\text{кгс/см}^2$  – 2 дона.  
Тўғирлагич (выпрямитель) қурилмаси: BENNING THYROTRONIC – 2 дона, ВA3П-380/260-40/80 – 1 дона.

**2. Хизматлар рўйхати ва кўлами  
(буюртмачининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда пудратчидан талаб қилинадиган  
харакатларнинг батафсил рўйхати, уларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари)**

- Бош трансформаторларни таъмирлаш:

- Барча реле химоялари, автоматика, сигнализация, блокировка ва маркировкаларини текшириш.
- 110 кВ ли ажратгичларни (разъединитель) таъмирлаш ва созлаш - 4 дона;
- Ҳаво босимини кўрсатувчи электр контактли манометрларни алмаштириш - 8 дона;
- 110кВ даги ўтувчи изоляторларнинг манометрларини алмаштириш – 12 дона;
- Трансформатордан ёғни тўлиқ тўкиб олиш ва таъмирлаш тугагандан сўнг ёғни синовдан ўтказган ҳолда, трансформаторга қайта қуйиш ишларини бажариш;
- Трансформаторнинг фаол қисмини тозалаш ва ўрнатилган муруватларини қайта сиқиш орқали зичлигини ошириш;
- Пўлат пакетларни йиғиш зичлигини текшириш;
- Трансформатор қопқоғидаги, радиаторларидаги, 110 кВли кириш ва 6 кВли чиқиш изоляторларининг, трансформаторга кириш оралиғидаги резина қистирмаларини алмаштириш.
- 110кВ кучланиш томондаги кириш изоляторини таъмирлаш ва босим ўлчаш асбобларини (манометр) алмаштириш – 12 дона;
- Бак ичидаги юклама остида кучланишни ростловчи ускунани (РПН) таъмирлаш:
- РПН резина қистирмаларни алмаштириш – 4 дона;
- РПН юритмаларини таъмирлаш – 4 дона;
- Термосифонли филтрларни таъмирлаш ва силикагельни алмаштириш;
- Термо сигнализаторларни алмаштириш – 2 дона;
- Трансформаторнинг совутиш тизимини паспортга асосан тиклаш (вентиляторлар ўрнатиш).
- Иккиламчи ва сигнализация занжири учун қутиларни ва клеммникларни алмаштириш.
- Иккиламчи ва сигнализация занжири ва сигнализация учун зирхли шлангларни алмаштириш.
- Трансформаторларни ташқи қисмини тозалаш ва бўяш.
- 110 кВ кучланишли ўчиргичларни жорий таъмирлаш – 4 жамланма.
- 6 кВ кучланишли ўчиргичларни жорий таъмирлаш – 12 дона.
- Барча таъмирланган ускуналарда синов, созлаш ва юргизиш ишларини бажариш.

Ҳаво компрессорларини ва тўғирлагичларни (выпрямителлар) таъмирлаш ва созлаш ишлари:

- Ҳаво компрессорларнинг механик қисмини тўлиқ демонтаж қилиш ва йиғиш;
- Ресиверларни тозалаш ва синовдан ўтказиш;
- Ҳаво сўриш ва чиқариш клапанларини алмаштириш;
- Бошқарув органларини (пулт управления) тозалаш ва таъмирлаш;
- Босим кўрсаткичларини (манометр) алмаштириш;
- Ҳаво ўтказувчи металл қувурларини алмаштириш;

*Adet*

- Ҳаво вентиллларини алмаштириш;
- ВАЗП-380/260-40/80 турдаги тўғирлагич (выпрямитель) қурилмасини таъмирлаш ва ишчи ҳолатига келтириш;
- Bening туридаги тўғирлагич (выпрямитель) қурилмасини тафтиш қилиш.

### 3. Хизмат кўрсатиш жойи

(биноларнинг аниқ манзили / қаватлари кўрсатилган ҳолда; жой хариталари,)

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Олмалик. "Аммофос-Максам" АЖ sanoat зонаси. "Аммофос-Максам" АЖ, Электртаъминоти цехи

### 4. Ишларни бажариш муддатлари

Иш бошланган кундан бошлаб ҳар бир трансформаторни 20 иш кунидан кечиктирмай ишни якунлаш талаб этилади.

### 5. Тегишли ишларни бажариш, тегишли хизматлар кўрсатиш бўйича талаблар (зарур маҳсулотларни етказиб бериш, шу жумладан ускуналар, сарф қилинадиган маҳсулотлар тўпламини етказиб бериш, тушириш ва бошқалар)

"Ижрочи" трансформаторларда мукамал таъмирлаш, уларнинг электр қурилмаларида жорий таъмирлаш ишларини бажариш ёки шунга ўхшаш иш турларини бажариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни тақдим қилиши шарт. Шунингдек, ушбу турдаги ишларни бажарганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши ҳам талаб этилади.

### 6. Хизматларни кўрсатишга қўйиладиган умумий талаблар, уларнинг сифати, шу жумладан хизматларни кўрсатиш технологияси, хизматларни кўрсатиш усуллари (шу жумладан тақдим этилаётган хизматлар сифатига тегишли нормалар, қоидалар, стандартлар ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар тўплами.)

"Ижрочи" нинг барча қурилмалари, асбоб-ускуналари ва воситалари ушбу соҳадаги ишларни бажариш, "Буюртмачи" худудида иш олиб бориш учун рухсатномага (Давлат стандартига мувофиқлик сертификати) эга бўлиши керак.

### 7. Хизматлар кўрсатиш хавфсизлиги бўйича талаблар

(пудратчи учинчи шахсларга жавобгарлик суғуртаси амалга ошириш учун зарур бўлса, ёки кўрсатилган хизматлар одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун мумкин бўлган хавф билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлса, ушбу бўлимда тегишли зарур талабларни белгилаш керак)

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ва қоидаларига мувофиқ, "Аммофос-Максам" АЖ меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича халқаро талаблар ва амалдаги қоидаларни ҳисобга олган ҳолда, ишни бажарувчи "Ижрочи" ишни ташкил этиш ва иш вақтида барча хавфсизлик чораларига риоя қилиш учун жавобгардир.

### 8. Ишни топшириш қабул қилиш тартиби

Ишни қабул қилиш: бажарилган ишлар далолатномаси, лойиҳалаш сметалари асосида ҳамда техник ҳужжатларни (синов баённомалари) тўлиқ топшириш билан амалга оширилади.

### 9. Топшириладиган техник ҳужжатлар

Ишни бажаришдан олдин "Ижрочи" қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши талаб этилади:

- фаолият тури учун лицензия нусхаси (нотариус томонидан тасдиқланган);
- давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (нотариус томонидан тасдиқланган);
- нотариал идора томонидан тасдиқланган корхона Низомининг нусхаси;
- асбоб-ускуналар рўйхати ва уларнинг сертификати нусхаси;
- кўрсатиладиган хизматларнинг харажатлар ҳисоб-китоби (калькуляция);
- ижрочи қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини, буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида, шунингдек, илгари тузилган шартномалар бўйича бажарилмаган мажбурятларнинг йўқлиги тўғрисида қафолатловчи хат;
- талаб қилинадиган материаллар ва ресурслар рўйхати;
- ҚҚС ҳақида маълумот;
- ходимларнинг электр хавфсизлиги бўйича гувоҳномаси.

*Abet*

|  |
|--|
| <b>10. Етказиб берилган ускуналарни ўрнатишга қўйиладиган талаблар.</b>  |
| Кўзда тутилмаган.  |
| <b>11. Хизмат кўрсатиш натижаларига кўра ускуналарда ишлаш учун “Буюртмачи” ходимларини техник тайёрлашга қўйиладиган талаблар</b>   |
| Ускуналарга хизмат кўрсатувчи ходимларни ишга тушириш-созлаш вақтида ишлаб чиқилган режим карталари билан таништириш.  |
| <b>12. Хизматлар натижалари бўйича сифат кафолатларининг муддатига қўйиладиган талаблар</b>  |
| (мижоз учун енг мақбул ёки қатъий белгиланган муддатлар)   |
| Ишга туширилган кундан бошлаб камида 12 ой.  |
| <b>13. "Ижрочи" малакасига қўйиладиган талаблар</b>  |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>- ходимлар трансформатор ускуналарини таъмирлаш бўйича амалий ва назарий тажрибага эга бўлишлари керак;</li> <li>- шу йўналишдаги ишларни бажаришдаги тажрибаси - камида 5 йил;</li> <li>- махсус иш кийими билан таъминланган бўлишлари керак;</li> <li>- ёши 18 дан баланд, тиббий кўрикдан ўтган бўлишлари керак;</li> <li>- электр хавфсизлиги бўйича IV- гуруҳдан кам бўлмаслиги керак;</li> </ul> |
| <b>13. "Ижрочи" нинг хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятларини бажариши муносабати билан вужудга келган интеллектуал мулк объектларига мутлақ ҳуқуқларни бериш шартлари кўрсатилган муаллифлик ҳуқуқи</b>   |
| Кўзда тутилмаган   |
| <b>14. Кўрсатилган хизматларни сотиб олиш ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш</b>   |
| (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида махсус талаблар назарда тутилган иш турлари учун буюртмачининг хоҳишига кўра амалга оширилади)  |
| Шартнома асосида.  |
| <b>16. Тўлов тартиби</b>   |
| (хизматлар кўрсатишнинг ҳар бир босқичи учун шу жумладан, тўлов шартлари, муддатлари ва миқдори)   |
| Шартнома асосида   |
| <b>17. Хизматларга қўйиладиган бошқа талаблар ва уларни мижознинг хоҳишига кўра тақдим этиш муддатлари</b>   |
| Кўзда тутилмаган   |
| <b>18. Илова</b>   |
| Кўзда тутилмаган   |

**Келишилди:**

Бош энергетик в.б.

Джуманиёзов А.А.

**Ишлаб чиқди:**

Электртаъминоти  
цеҳи бошлиғи

Аноркулов Г.А.